

## СУҒУРТАДА ИННОВАЦИОН РИСК ФЕНОМЕНИ

<https://doi.org/10.5281/zenodo.11404017>

Сатторов Шохрух Махмуджон ўғли  
Тошкент давлат иқтисодий университетининг  
мустақил изланувчиси

Ўзбекистонда бозор моносабатлари ривожланиши билан хўжалик юритувчи корхоналар муваффақиятининг асосий омили янги лойиҳа ёки замонавий маҳсулот ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатишга қаратилган инвестицион фаолияти бўлди. Риск моҳиятини таҳлил қилишда “ноаниқлик” тушунчасидан бошлаш керак. Риск ва ноаниқлик тушунчалари ўзаро чамбарчас боғлиқ тушунчалардир. Моҳиятан эса ноаниқликлар рискнинг асосий сабабидир. Бинобарин, йўқотиш рискини келтириб чиқарадиган ноаниқликлар ҳажмини камайтириш инновацион фаолиятда муҳим аҳамият касб этади. Инновацион фаолиятда ноаниқликлар пайдо бўлишининг асосий сабаблари куйидагилардан иборатдир:<sup>1</sup>

– Рақобатчилар ёки ҳамкорлар фаолиятидаги ноаниқликлар; – бошқариш объекти ва ижтимоий-иқтисодий муҳит ривожланишининг прогноз кўрсаткичларининг ноаниқлиги;

– мақсад ва мезонларнинг ноаниқлиги, шунингдек қарорларни қабул қилиш жараёнида кўплаб омилларни ҳисобга олиш зарурлиги;

– қарор қабул қилиш учун зарур бўлган маълумотларнинг, айниқса миқдорий маълумотларнинг йўқлиги;

– қарорларни илмий асослаш учун вақт омилининг етишмаслиги.

Инновацион суғурта рискларининг долзарблиги технологиянинг жадал ривожланиши ва мижозлар еҳтиёжларининг ўзгариши билан боғлиқ. Инновацияларни фаол татбиқ этмайдиган суғурта компаниялари ўзларининг рақобатбардош устунликларини йўқотиш ва замонавий бозор қийинчиликларига дош бера олмаслик хавфини туғдиради. Янги

<sup>1</sup> Сагдиев Равшан Сайфуллаевич “Инновацион фаолиятда риск тушунчаси” Иқтисодий тараққиёт ва таҳлил илмий электрон журнали 2024 йил

технологиялар ва мижозлар талаблари асосида суғурта хизматларини доимий равишда янгилаш ва ривожлантириш зарурати суғурта ташкилотларининг муваффақиятли фаолият юритиши учун тобора муҳим аҳамият касб этмоқда.

Суғурта ташкилотининг инновацион рискларини аниқлаш ва баҳолашдан аввал инновацион суғурта rischi ҳақида бошланғич билимларга эга бўлиш лозим. Инновацион суғурта rischi – бу суғурта соҳасида янги усуллар, технологиялар, маҳсулотлар ёки хизматларни жорий этиш билан боғлиқ потенциал таҳдид эҳтимолидир.

Амалиётда тўлов Solvency II директиваси европа иттифоқининг суғурталовчилар ва суғурта гуруҳлари фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилишда рискга асосланган ёндашув тушунчасидир. Директивани амалга ошириш суғурта компаниялари рискларини бошқариш ва баҳолаш учун самарали тизимни яратишга хизмат қилади. Мазкур тизим тадқиқот сифатида биринчи марта Шимолий Америка, Европа, Осиё тинч океани, Лотин Америкаси ва Африка мамлакатларида ўтказилган. “Accenture Global” (Менежмент бўйича консалтинг, технология ва аутсорсинг соҳасида хизматлар кўрсатадиган) халқаро компанияси ушбу тадқиқотлари ва уларнинг натижалари ҳаққонийлигини тасдиқлайди.<sup>2</sup>

2022 йилда компаниялари учун энг жиддий рисклар бу – ишлаб чиқариш ва таъминот занжиридаги узилишлар, табиий офатлар, ёнғинлардир.

Бизнес учун мавжуд асосий рискларни қуйидаги жадвалда кўриб чиқамиз.

1-жадвал

### 2022 йилда суғурта бизнеси учун асосий рисклар<sup>3</sup>

Т/р	Риск турлари	2022 йил, тахмин қилинган	2021 йил	
			Рискни баҳолаш	Риск ўрни

<sup>2</sup> Саркисов С. Идентификация, анализ и оценка рисков инновационного развития страховой организации. Региональные проблемы преобразования экономики научный журнал. 2015 г. №3.

<sup>3</sup> Тадқиқот материаллари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

1	Бизнеснинг узилиши хавфи, таъминот занжири	43 %	46 %	(1)
2	Табий офатлар (масалан, тўфон, сув тошқини, zilzila)	33 %	44 %	(2)
3	Ёнгин хавфи	24 %	31 %	(3)
4	Қонунчилик ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартиришлар киритиш	21 %	17 %	(4)
5	Бозорда турғунлик ёки пасайиш хавфи	19 %	12 %	(8)
6	Обрў ёки бренд қийматини йўқотиш хавфи (масалан, ижтимоий медиа таъсири остида)	15 %	10 %	(10)
7	Рақобатнинг кучайиши	14 %	17 %	(5)
8	Сифат камчиликлари, кетма-кет нуқсонлар хавфи	10 %	13 %	(6)

Амалиётда тўлов қобилияти II директиваси учта асосий компонентга асосланади:

- миқдорий талаблар (масалан, капитал талаблари),
- рискларни баҳолаш ва бошқариш тизимида сифат талаблари
- назорат органлари томонидан тартибга солиш (ҳисобот ва ошкор қилиш талаблари).

Суғурта маълум маънода иқтисодий фаолиятнинг бошқа соҳаларига нисбатан хизмат кўрсатиш соҳаси эканлигини ҳисобга олиб, суғурта ташкилотининг инновацион ривожланиш рискларини баҳолаш ва бошқариш суғурта компаниясининг мавжуд ва потенциал мижозлари учун юзага келиши мумкин бўлган хавфларнинг тарқалишининг олдини олади.<sup>4</sup>

Рискларни самарали баҳолаш ва бошқаришда, рискли воқеалар оқибатларини камайтириш йўллари топиш учун инновацион рискларни башорат қилинадиган ва башорат қилинмайдиган рисклар гуруҳларига ажратиш мақсадга мувофиқдир, яъни юзага келиши мумкин бўлган рисклар ва юзага келиши қутилмаган рисклар. Инновацион рискларнинг юзага

<sup>4</sup> Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 23 ноябрдаги “Суғурта фаолияти тўғрисида” ЎРҚ-730-сон Қонуни.

келиши ва оқибатларини бошқариш услубларини ишлаб чиқишда рискларни бошқариладиган ва бошқарилмайдиган гуруҳларга ажратиш талаб қилинади

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 23 ноябрдаги “Суғурта фаолияти тўғрисида” ЎРҚ-730-сон Қонуни.
2. Сағдиев Равшан Сайфуллаевич “Инновацион фаолиятда риск тушунчаси” Иқтисодий тараққиёт ва таҳлил илмий электрон журнали 2024 йил
3. Саркисов С. Идентификация, анализ и оценка рисков инновационного развития страховой организации. Региональные е проблемы преобразования экономике научный журнал. 2015 г. №3.

